*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 269 (4964).
30 НОЯБРЬ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## УЧ ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

● СУРХОНДАРЁ область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, мислсиз сув тақчиллиги шароитида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Бу экинларни ташкилий равишда йиғиштириб олдилар ва давлатга пахта сотиш социалистик мажбуриятини муддатидан илгари, 28 ноябрда бажардилар.

Республиканинг улкан хирмонига 521 минг тоннадан ортиқ Сурхондарё пахтаси, жумладан 276 минг тонна энг қимматли ингичка толали пахта топширилди. Шунча миқдордаги ипак пахта биринчи марта тайёрланди. Пахта тайёрлаш умумий ҳажмида ингичка толали пахта 53 процентга етди. Областда ҳар гектар пахта майдонидан олинган ўртача ҳосилдорлик 34,5 центнерни ташкил этди. Тайёрланган пахтанинг 80 проценти биринчи ва иккинчи сортга қабул қилинди.

● САМАРҚАНД областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, 29 ноябрь куни давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларни бажардилар.

Область пахтачилик тарихида мислсиз қийин об-ҳаво шароитида ва жуда каттиқ сув тақчиллигига қарши фидокорона курашда меҳнат ғалабасига эришди. Республиканинг улкан хирмонига Самарқанднинг 486 минг тонна «оқ олтин»и етказиб берилди, ана шу ҳосилнинг 315 минг тоннаси ёки 65 проценти машиналарда териб олинди.

● ФАРҒОНА область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари табиатнинг барча инжиқликларига қарамай, меҳнат қаҳрамонлиги, матонат ва мардлик кўрсатдилар. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар ва уни уюшган ҳолда йиғиштириб олдилар ҳамда давлатга пахта топшириш социалистик мажбуриятини муддатидан илгари, 29 ноябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 586 минг тоннадан ортиқ Фарғона «оқ олтини» етказиб берилди. Ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 31,5 центнер ҳосил олинди. Тайёрланган пахтанинг 284 минг тоннаси машиналар билан териб олинди.

Пахта далаларида етиштирилган бутун ҳосилни янада тезроқ йиғиштириб олиш мақсадида юксак меҳнат жўшқинлиги давом этмоқда. Шу билан бир вақтда ҳамма жойда келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар авж олдириб юборилди.

# Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

# *ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ*

1982 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VIII пленуми бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорлари асосида деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Музокараларда: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Қ. Камолов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. Қ. Каримов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. А. Уркинбоев, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Х. Худойберганов, Томди район партия комитетининг биринчи секретари А. Е. Елемесов, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойипов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, В. И. Ленин номидаги Поп ишлаб чиқариш аграр-саноат бирлашмасининг бош директори А. Одилов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Ленин йўли район партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Эргашев, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Х. У. Умаров, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Боймиров, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси ўртоқ Қ. А. Аҳмедовнинг «1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида»ги, Ўзбекистон ССР молия министри ўртоқ В. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети ҳақида ва 1981 йилги Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида»ги докладларини тинглади.

Докладларни муҳокама қилишда: Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Қ. Каримов, Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Қозимов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Қ. Камолов, Тошкент экскаватор заводининг кранчиси Т. А. Гаврилова, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси М. Д. Юсупов, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри М. Х. Қурбонов ўртоқлар иштирок этдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масалалар юзасидан бир овоздан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди. Марказий Комитет пленуми Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхозларда қурилиш давлат-кооператив бирлашмаси «Узколхозстрой» раиси ўртоқ Э. Ашуровни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми ўз ишини тугатди.

## *ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ*

# КПСС XXVI СЪЕЗДИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1982 ЙИЛ МАЙ ВА НОЯБРЬ ПЛЕНУМЛАРИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни қайд этадики, республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган хулосалар ва қоидаларни якдиллик билан астойдил маъқулладилар.

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ғоят сермазмун нутқида мамлакат экономикасидаги аҳвол, муваффақиятларимиз ва камчиликларимиз объектив таҳлил этилди, ижтимоий ишлаб-чиқариш самарадорлигини ошириш, совет халқининг моддий фаровонлигини юксалтириш йўллари равшан ва конкрет равишда белгилаб берилди. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқи халқ хўжалигини бошқаришни янада такомиллаштиришнинг, партия комитетлари ҳамда ташкилотларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишларини яхшилашнинг кенг программасидир.

Ишчилар синфи, колхозчилар, зиёлилар республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида план ҳамда социалистик мажбуриятларни бажариш борасидаги зарбдор ишлари билан КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, унинг ленинчи Марказий Комитети тинимсиз фаолиятини қизғин маъқуллаётганликларини изҳор этмоқдалар.

Ўзбекистоннинг меҳнат коллективлари партия қарорларига амал қилиб, ўн биринчи беш йиллик иккинчи йилини муваффақиятли адо этмоқдалар. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш ташкилотлари, фан ва маданият муассасалари бир маромда ишламоқда.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Республика пахтакорлари шу йилнинг мислсиз оғир иқлим шароитларида оммавий меҳнат қаҳрамонлигини намойиш этдилар ва Ватанга олти миллион тонна пахта бердилар. Давлатга дон, каноп, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум, қоракўл ва жун сотиш планлари ошириб бажарилди. Давлатга бир миллион тоннадан кўпроқ дон, 3,3 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари сотилди. Чорвадорлар гўшт, сут, тухум тайёрлашни анча кўпайтиришга эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми эришилган ютуқларга ижобий баҳо бериш билан бир вақтда ҳал этилмаган масалалар халқ хўжалиги бир қанча тармоқларини янада жўшқин ривожлантиришга ҳалақит бермоқда, деб ҳисоблайди. Айрим саноат корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари юзасидан планларни бажармаяптилар, техника ва технологияни сусткашлик билан янгиламоқдалар. Капитал қурилишда қолоқликка йўл қўйилмоқда, транспорт ишида, аҳолига хизмат қилувчи корхоналар ва ташкилотлар ишида камчиликлар мавжуд.

Кўпгина колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулдорлиги паст даражада, ер, сув, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан етарлича яхши фойдаланилмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг «1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва СССРнинг Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар тўла-тўкис ва батамом маъқуллансин ҳамда амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

Мана шу ғоят муҳим сиёсий ҳужжатлар шу йилги топшириқларни муваффақиятли адо этиш, 1983 йилги планларни ва умуман беш йилликни тўла ҳамда ошириб бажариш учун курашда республика партия, совет, хўжалик органлари, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотлари, барча меҳнат коллективлари амалий фаолиятининг программаси деб ҳисоблансин.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, партия ташкилотлари, совет, касаба союз ва комсомол органлари, министрлик ва идоралар КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларидан, ўртоқ Ю. В. Андропов нутқидан, ушбу Пленум қарорларидан ва ўртоқ Ш .Р. Рашидовнинг шу пленумдаги докладидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш борасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни авж олдириб юборсинлар.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг эътиборини партия XXVI съезди ўртага қўйган ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишга — ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашни кучайтиришга ва унинг самарадорлигини оширишга бутун куч-ғайратни сарфлаш зарурлигига жалб қилади. Шу мақсадда корхоналарнинг хўжалик фаолиятини яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланилсин, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш жадаллаштирилсин, халқ хўжалигининг барча бўғинларида меҳнат унумдорлигини ўстиришга, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини оширишга эришилсин. Ноишлабчиқариш чиқимларига ва нобудгарчиликларга қатъиян барҳам бериш, ёқилғи, хом ашё, металл, бошқа материаллар, молиявий ҳамда бошқа ресурслар сарфлаш нормаларига риоя этилишига эришилсин. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида капитал қурилишнинг анча яхшиланишига эришиш, янги қувватлар ўз вақтида ишга туширилиши ва ўзлаштирилишини таъминлаш, куч ва маблағларни ишга тушириладиган объектларга жамлаш, планлаштиришни ҳамда экономикани бошқаришни бутун чоралар билан яхшилаш, хўжалик юритиш услуби ва методларини сабот билан такомиллаштириш керак.

3. Пленум область, шаҳар ва район партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини бажаришга, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга, республика аҳолисининг моддий ва маданий даражасини янада юксалтиришга биринчи даражали эътибор бериш мажбуриятини юклайди.

Қишлоқ партия ташкилотларининг, колхоз ва совхозлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг, қишлоқ хўжалиги барча меҳнаткашларининг эътибори деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини оширишга, ер, сув, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланишга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш вазифаларини ҳал этишга улар қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга қаратилиши зарур.

Пахтачиликни интенсивлаш, ирригация ва ерларни мелиорациялашни, химиялаш ва комплекс механизациялашни ривожлантириш, механизациялаштирилган илғор технологияни ҳамма жойда жорий этиш асосида пахтачиликни бутун чоралар билан юксалтириш ҳамон республика қишлоқ хўжалигидаги асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Камида олти миллион тонна юқори сифатли пахта етиштириш норма бўлиб қолиши лозим.

Даставвал маккажўхори ва шоли экилган майдонларни кенгайтириш, ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, шунингдек, суғориладиган ерлар ва лалми ерларда бошоқли экинлар етиштиришга эътиборни кучайтириш ҳисобига дон етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш область ва район партия комитетларининг, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин. Ўзбекистон Компартияси XX съездининг 1985 йилда дон етиштиришни 5 миллион тоннага етказиш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ қишлоқ меҳнаткашларининг куч-ғайратлари 1983 йилда 3,8 миллион тонна дон етиштиришни таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг эътиборини мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун республикада мавжуд катта-катта имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш зарурлигига жалб этади. Картошка етиштиришни ривожлантиришга алоҳида эътибор жалб қилинсин, 1983 йилда картошканинг ялпи ҳосили 500 минг тоннага, беш йилликнинг охирида эса бир миллион тоннагача етказилсин. Узумнинг хўраки ва кишмишбоп навлари, кишмиш ва қоқи етиштириш кўпайтирилсин.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, гўшт, сут, тухум етиштиришни ошириш, чорва ва паррандаларни кўпайтириш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини ўстириш масалалари партия, совет ва хўжалик органларининг, колхоз ва совхозларнинг диққат марказида туриши керак. Подани урчитиб кўпайтириш соҳасидаги ишлар яхшилансин, чорвачиликда наслчилик иши даражаси анча оширилсин. Саноат корхоналарида, қурилиш ташкилотларида ва бошқа ташкилотларда ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш борасидаги ишларни бутун чоралар билан активлаштириш, шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришда аҳолига кўпроқ ёрдам бериш зарур.

4. Пленум чорвачиликни янада интенсив ривожлантириш, гўшт етиштиришни беш йиллик охирига бориб 10 минг тоннага етказиш ва ундан ҳам ошириш мажбуриятини қабул қилган Оҳангарон, Калинин, Чиноз, Ленин, Қўрғонтепа, Андижон, Пахтаобод, Хўжаобод, Бахмал, Фориш, Конимех, Косон, Деҳқонобод, Шаҳрисабз, Косонсой, Уйчи, Самарқанд, Жомбой, Каттақўрғон, Советобод, Сариосиё, Денов, Беруний, Бўзатов районларининг ташаббусини қизғин маъқуллайди. Область ва район партия комитетлари мазкур районларнинг тажрибасини ўргансинлар, ана шу қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаш юзасидан чорвадорлар ўртасида кенг ташкилотчилик ишларини ўтказсинлар.

5. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми партия ташкилотлари зиммасига экономикага раҳбарлик борасидаги иш услуби ва методларини сабот билан такомиллаштириш, давлат интизоми, меҳнат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш, ишда уюшқоқлик ва омилкорликни ошириш, социалистик мусобақани кенг авж олдириш, иқтисодий ривожланишнинг интенсив омилларидан, мавжуд резервларидан тўлароқ фойдаланиш, ҳамма турдаги ресурсларни тежаб-тергаш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, энг кам чиқим қилиб, энг юқори пировард натижаларга қунт ва собитқадамлик билан эришиш мажбуриятини юклайди.

Фан, техника ютуқлари ва илғорлар тажрибаси ишлаб чиқаришга зўр ғайрат билан жорий этилсин. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан қатъий контроллик таъминлансин. Коллективларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида коммунистларнинг авангардлик роли оширилсин.

6. КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми якунлари ҳамда Пленум қарорларидан, ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалар область, шаҳар ва район партия комитетлари активларининг йиғилишларида ва пленумларида, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилинсин. Планлар ва мажбуриятларнинг бажарилишини чуқур таҳлил қилиш материаллари асосида ишчанлик вазиятида, конкрет равишда муҳокама этилиши керак. Муҳокама якунлари юзасидан кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш йўллари белгилансин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми партия ленинчи Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига ваъда бериб айтадики, республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари, ишчилари ва колхозчилари, мутахассислари ва олимлари барча меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун ўзларининг бутун куч ва билимларини, ғайрат-шижоат ва маҳоратларини сарфлайдилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажарадилар, 1983 йил ва умуман беш йиллик топшириқлари адо этилишини таъминлайдилар.

## *ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ*

# 1983 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига мазкур лойиҳаларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш топширилсин.

# ТОШКЕНТ РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЗАФАРИ

ПАРТИЯ XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш учун қизғин кураш олиб бораётган Тошкент райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари СССРнинг 60 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, ўн биринчи беш йиллик иккинчи йили планини муддатидан илгари 29 ноябрда ортиғи билан бажардилар.

Районнинг барча хўжаликлари юбилей шарафига қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар. Давлатга 110 минг тонна сабзавот етказиб берилди. 21200 тонна картошка етиштирилиб, план 135 процент бажарилди. 7400 тонна мева топширилиб, йиллик план 165 процент адо этилди. Аҳолига 8400 тонна, яъни йиллик планда белгиланганидан бир ярим баравар кўп узум етказиб берилди. Айниқса, район маккажўхорикорлари юқори кўрсаткичга эришдилар. Давлатга 1300 тонна маккажўхори дони топширилди. Бу йиллик планга нисбатан 325 процентни ташкил этади.

Ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Ҳар гектар майдондан 301 центнердан сабзавот ва 146 центнердан картошка йиғиштириб олинди.

Мамлакатнинг саноат марказларига, Сибирь ва Узоқ Шарқ ўлкаларига 27 минг тонна сабзавот маҳсулотлари, 17 минг тонна карам, 8000 тоннадан кўпроқ пиёз жўнатилди.

### ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Финляндия Республикаси Президенти ва ҳукуматининг таклифига биноан шу йил декабрь ойининг биринчи ярмида расмий визит билан Финляндияга боради.

# ТИНМАЙ ОЛҒА БОРИБ, КЎПРОҚ НАТИЖАГА ЭРИШАЙЛИК

## КПСС XXVI СЪЕЗДИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1982 ЙИЛ МАЙ ВА НОЯБРЬ ПЛЕНУМЛАРИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## *Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади*

Ўртоқлар!

Ҳозир мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёти КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш белгиси остида ўтмоқда. Совет кишилари Ленин партияси раҳбарлигида ўз олдиларида турган мураккаб вазифаларни бажаришга, халқ хўжалигининг самарадорлигини янада оширишни, мамлакатни Ленин йўлидан коммунизм сари муттасил олға силжитишни таъминлашга аҳд қилганлар.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми ва СССР Олий Советининг VII сессияси буни янги куч билан тасдиқлади.

Ноябрь Пленуми 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Леонид Ильич Брежнев хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорини маъқуллади.

СССР Олий Совети «1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида»ги қонунни ва «СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов катта, ёрқин нутқ сўзлади. Унинг нутқида партия ички ва ташқи сиёсатининг давомийлиги уқтириб ўтилди, беш йилликнинг навбатдаги йили плани ва бюджети таърифлаб берилди, совет экономикасининг ҳозирги ҳолати атрофлича таҳлил этилди, муваффақиятларимиз ва камчиликларимиз принципиал баҳоланди, халқ хўжалиги олдида турган актуал вазифалар белгиланди, шу вазифаларни бажариш йўллари ва воситалари кўрсатилди.

Ўртоқ Ю. В. Андропов нутқи партия ташкилотларининг диққат-эътиборини ишлаб чиқаришни интенсивлашни жадаллаштириш ва иш сифатини ошириш, капитал қурилишни анча яхшилаш, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, иқтисодий тежашни кучайтириш, меҳнат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш зарурлигига қаратади.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партиянинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлигига фидокорона меҳнат билан жавоб бермоқдалар. Улар ноябрь Пленумининг ва СССР Олий Советининг сессиясининг қарорларини, КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлайдилар, ўртоқ Юрий Владимирович Андроповни КПСС Марказий Комитети Бош секретарлигига сайланганлиги билан чин кўнгилдан табриклайдилар.

Меҳнаткашлар Пленум қарорларини КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа кудратини мустаҳкамлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш соҳасидаги изчил фаолиятининг далили деб билмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми партия ва совет ташкилотлари, касаба союз ва комсомол органлари, министрликлар ва идоралар олдига бутун диққат-эътиборни шу йилги топшириқларни муваффақиятли тугаллашга, 1983 йил планини ва умуман беш йилликни тўла ҳамда ошириб бажаришга қаратишдан иборат конкрет вазифани қўйди.

Пленум деҳқончилик ва чорвачиликни янада юксалтиришга оид туб тадбирларни амалга ошириш зарурлигига партия, совет, хўжалик органларининг, олимларнинг, колхоз ва совхозлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг эътиборини яна бир бор жалб этди.

Ўрток Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқида Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар планларимизда асосий ўринни олиб турганини уқтириб ўтди. Бу бениҳоя муҳим иқтисодий ва социал масаладир.

Ушбу пленумимиз республика партия ташкилотининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни янада кўпайтириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифаларини атрофлича муҳокама қилиши лозим.

Ўртоқлар! Республика меҳнаткашлари партия режаларини турмушга татбиқ эта бориб, беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли тугалламоқдалар, юксак социалистик мажбуриятларни бажармоқдалар.

Саноат ўн бир ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Қўшимча равишда 300 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот, шу жумладан 270 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари реализация қилинди. Шу молларни ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари 7,2 процентни ташкил этди.

Қурилиш ташкилотлари, транспорт ва алоқа корхоналарининг, фан ва маданият муассасаларининг коллективлари белгиланган топшириқларни муваффақиятли уддаламоқдалар.

Қишлоқ меҳнатчилари ваъдага вафодорликни ва беқиёс маҳоратни намойиш этдилар. Бу эса амалдаги чин ватанпарварлик, интернационализм эканини яхши биласизлар. Деҳқонлар мисли кўрилмаган қийин иқлим шароитларида қишлоқ хўжалик экинларидан яхши ҳосил етиштирдилар. Давлатга пахта ва дон, каноп ва сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари, мева ва узум, пилла, қоракўл тери ва жун сотиш планлари ошириб бажарилди. Гўшт, сут ва тухум тайёрлаш планлари ниҳоясига етказилмоқда. Ҳамма турдаги маҳсулотларни Умумиттифоқ фондига етказиб бериш мажбуриятлари шараф билан бажарилди.

Давлатга 1 миллион тоннадан зиёд дон, уч миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари сотилди. Мамлакатнинг саноат марказларига бир миллион тоннадан кўпроқ мева-сабзавот юборилди.

Леонид Ильич Брежнев республика колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, тайёрлаш, транспорт ва қайта ишлаш органларининг ходимларини, барча меҳнаткашларини меҳнатдаги шу катта ғалаба билан самимий ва чин кўнгилдан табриклади.

Пахтакорларнинг меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқдир. 1982 йил ҳосили учун бўлган кураш деҳқончилик тарихига донгдор пахтакорларимиз қаҳрамонлиги, меҳнат шуҳрати ва жасорати рамзи бўлиб киради.

Бу бениҳоя қийинчилик билан эришилган ғалабага табиат инжиқликлари билан қаттиқ, фидокорона курашда замин яратилди. Кўкламда, чигит экиш кунларида одатдан ташқари иссиқ бўлиб, тупроқнинг устки қатлами тез қуриб қолди, чигитни ундириб олиш учун суғориш талаб этилди, бу эса унинг униб чиқишини кечиктирди ва анчагина ерларда пахта кеч пишиб етилишига олиб келди. Довулли шамоллар, жала ёмғирлар ва дўл уриши, сувнинг ҳаддан ташқари тақчил бўлиши, ёзги гармселлар, кузги қор ва тинимсиз ёмғир ёғиши ҳосилга катта зарар етказди.

Ҳамма пахтазорлар бундан зарар кўрди, қайта экиш июнгача давом этди. Катта-катта майдонлардаги ғўза сувсизликдан қовжираб қолди, ҳосил тугунчалари кўплаб тўкилиб кетди.

Табиат бамисоли пахтакорларнинг матонатини синамоқчи бўлди. Ҳосил терими айниқса қийин шароитларда ўтди. Қор ва ёмғирлар, совуқ ва шамоллар пахтакорлар йўлига тўғаноқ солди. Машиналар ишлайдиган кунлар жуда оз бўлди. Мана шуларнинг ҳаммасига қарамай, пахтакорлар бардам турдилар, табиий офатларга сабот, қаҳрамонона меҳнат ва юксак маҳоратни қарама-қарши қўйдилар. Улар партия билан давлатнинг ёрдамига таяниб бардош бердилар ва ниҳоят ғалаба қозондилар.

Бугун биз ўз бурчимизни бажарганлигимиздан фахрланиб, партияга, бутун совет халқига ифтихор ва қувонч билан: Ўзбекистоннинг олти миллион тонна пахтаси тайёр! — деб маълум қиламиз.

Беш йилликнинг иккинчи йили ҳосили учун умумхалқ курашига Қорақалпоғистон АССР, республиканинг ҳамма областлари, районлари, колхозлари ва совхозлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўтган йилларда бўлганидек, бу йил ҳам Тошкент областининг меҳнаткашлари план ва социалистик мажбуриятларини биринчи бўлиб бажардилар. Тошкент пахтакорларининг тажрибаси механизациялашган технологияни жорий этиш, ҳамма дала ишларида агротехникага риоя этиш ва шу ишларни пухта ташкил қилиш ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мўл ва эрта ҳосил олиш имконини беришини яна бир карра кўрсатди. Ҳатто бу йилги мислсиз қийин шароитда ҳам тошкентликлар пахта тайёрлаш давлат плани бажарилганлиги тўғрисида 15 октябрда рапорт бердилар.

Куз инжиқликларига қарамай, бу йил ҳам машиналар ҳосил теримида ҳал қилувчи роль ўйнади. Механизаторлар очиқ келган куннинг ҳар бир соатидан фойдаланиб, техникани омилкорлик билан ишлатиб, уч миллион тоннадан кўпроқ пахта териб бердилар. Пахтакорлар қўл теримида чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Ёмғир ва қор ёғиб турганида ҳам, ҳар қандай об-ҳавода ҳам ҳосил учун кураш бирон кун тўхтагани йўқ.

Шаҳарларнинг ва район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар бебаҳо ёрдам бердилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг даъватига биноан, қалб амрига қулоқ солиб, ҳосил теримида пахтакорлар билан биргаликда илҳом билан меҳнат қилдилар.

Азиз ўртоқлар, 1982 йил ҳосилининг ижодкорлари — колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига, авиаторларга, тайёрлов органларининг, транспорт ва қайта ишлаш корхоналарининг ходимларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, сизларнинг номингиздан чуқур миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Қийин дамларда республика деҳқонларига ёрдамга келган барча кишиларга — ажойиб шаҳарликларимизга — ишчилар ва хизматчиларга, студентлар ва ўқувчиларга чин кўнгилдан раҳмат.

Жуда қийин йил шароитида рекорд ҳосилга эришган донгдор пахтачилик миришкорларига сидқидилдан ташаккур изҳор этамиз. 19 та районнинг меҳнатчилари гектар бошига қирқ центнердан ошириб, Гурлан, Хонқа ва Ғиждувон районларининг деҳқонлари эса 45 центнердан зиёд ҳосил кўтардилар.

Деҳқонларимизнинг ютуқлари шак-шубҳасиз ва яққол кўриниб турибди, уларнинг меҳнати чуқур ҳурмат ва таҳсинга лойиқдир. Бундан буён ҳам олға бориб, янги марраларни эгаллаш учун яхши замин яратилди.

Бизда пахтачиликни ривожлантиришнинг битта йўли бор, у ҳам бўлса фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, комплекс механизацияни янада ривожлантириш ва агротехникани такомиллаштириш асосида тармоқни изчиллик билан интенсивлашдан, ҳосилдорликни оширишдан иборат. Мўл ва эрта ҳосил етиштиришга эришишдан иборат.

Шу мақсадда вужудга келган навларнинг структурасини қайта кўриб чиқиш, эртапишар ўртача толали ва ингичка толали навларни кенг қўлланиш лозим.

Ҳамма жойда илғор механизациялашган технологияни жорий қилиш эрта ҳосил олиш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу технология кўпгина районларда ва хўжаликларда қўлланилмоқда ва ҳамма жойда жуда яхши натижалар бермоқда, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ҳосилнинг эрта пишишини таъминламоқда. Шу билан бирга у юксак технология интизомига риоя этишни, ҳамма агротехника тадбирларини тез муддатларда, қисқартирилган цикллар асосида бажаришни талаб қилади.

Бошқача қилиб айтганда бу технология фақат моҳирона қўлларда, унга ишонувчи, унинг афзалликларини равшан кўриб турувчи кишиларнинг қўлида ўз фазилатларини намоён этади.

Мисол келтираман. Шу технологияни жорий этиш туфайли Бўка районининг пахтакорлари пахта тайёрлаш планини 17 иш кунида, ёғин-сочин бошланмасидан аввал — 2 октябрда бажариб бўлдилар, ҳосилнинг 87 процентини машинада териб олдилар. Жами пахта асосан биринчи навларга қабул қилинди.

Бу район 79 минг тонна «оқ олтин» етиштириб гектар бошига ўрта ҳисобда 36,5 центнер пахта териб олди ва планни 118 процент бажарди. Бўкаликлар чигит экишни эрта муддатларда, 7 кун ичида тугалладилар, аниқ сеялкаларда туксиз чигитларни экдилар, бу уруғликнинг асосий қисми стимулятор билан дориланди. Шу туфайли улар ернинг табиий намида чигитни эрта ва дуркун ундириб олишга, пахтанинг эрта пишиб етилишини таъминлашга муваффақ бўлдилар. Улар ғўза баргини 5 сентябрда тўктирдилар, сентябрь ойининг ўрталарида ҳосилни ёппасига машинада териб ола бошладилар. Кўпчилик хўжаликларда бригада пудрати жорий этилди. Ҳамма хўжаликларимиздаги иш мана шундай аҳиллик билан аниқ йўлга қўйилиши лозим.

Ленин йўли районида шу технологиядан моҳирона фойдаланишнинг катта тажрибаси тўпланган, бу йил район пахтакорлари гектар бошига 45 центнер ингичка толали пахта ҳосили олдилар.

Вилтга қарши курашни кучайтириш, ихтиёримиздаги имкониятлардан янада кенг фойдаланиш жуда катта аҳамиятга молик вазифадир. Пахта — беда алмашлаб экиши билан бир қаторда ғўзани маккажўхори, донли экинлар, бир йиллик ва оралиқ озуқабоп экинлар, сабзавот ва бошқа экинлар билан дадил алмашлаб экавериш керак.

Минерал ўғитлардан яхшироқ фойдаланиш зарурлиги ҳақида неча марталаб гапирилди. Бу ишдаги камчиликлар қатъиян тугатилиши лозим. Тупроқ ҳосилдорлигини оширишни минерал ўғит билангина таъминлаб бўлмайди. Минерал ўғит билан органик ўғит тўғри қўшиб ишлатилган тақдирдагина ернинг юксак самара беришига умид қилиш мумкин.

Маҳсулот етиштириш чиқимларини камайтириш проблемаси, моддий манфаатдорлик асосида ҳосилдорликни ошириш учун кураш ҳам муҳимдир. Кўп хўжаликларнинг тажрибаси шундан далолат берадики, бригада ва звеноларни бригада пудратига — пировард натижаларга қараб, яъни ҳосил учун ҳақ тўланадиган нарядсиз система асосида меҳнатни ташкил қилишга ўтказиш пахтачиликда ва деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида юксак самара беради. Ҳозир республикада 14 мингта бригада ва 12 мингта звено шу система асосида ишламоқда.

Бу бригадаларда эгасизлик тугатилган, ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлиги юқори, маҳсулот таннархи паст. Одатда улар четдан ишчи кучи жалб этмай ҳосилни эрта териб оладилар. Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоздан Ҳолбуви Рустамова, Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозидан Ҳасан Мухторов, Бекобод районидаги Ленин номли колхоздан Адолат Рўзматова бошлиқ бригадалар ва бошқа кўпгина бригадалар юксак пировард натижани гарантиялайдиган мана шундай иш намунасини кўрсатмоқдалар.

Область ва район партия комитетлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, пахтачилик ва бошқа тармоқларнинг самарадорлигини ошириш масалалари билан чуқурроқ шуғулланишлари, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини кенг жорий этишлари лозим.

Пахта сифатини ошириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу иш пахта тозалаш саноатининг қувватларини кенгайтириш билан бевосита боғланган. Янги пахта тозалаш заводлари, қуритиш-тозалаш цехлари, пахта, тола ва чигит омборлари қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилишга кўпроқ эътибор бериш, бу ишларни қаттиқ контроллик остига олиш зарур. Шу билан бирга мавжуд қувватлардан яхшироқ фойдаланиш, заводларнинг ва қуритиш-тозалаш цехларининг унумдорлигини кўтариш, жами пахтани 5—6 ой ичида қайта ишлашни таъминлаш лозим.

Ҳозирги пайтгача бўлиб келганидек, пастроқ навли пахтани узоқ вақт сақлаб турилгандан кейин эмас, балки тайёрланиши биланоқ қайта ишлаш жуда муҳимдир. Мана шундай қилинган тақдирдагина пахтанинг табиий сифатларини сақлаб қолиш, тола чиқишини кўпайтириш мумкин.

Пахтани бевосита бригадалардан қабул қилишга тезроқ ўтиш, тайёрлов пунктларини маҳсулот сифати ва навини аниқлайдиган мукаммалроқ асбоблар билан таъминлаш керак.

Ўртоқлар! Озиқ-овқат программасини ҳал этишда дон етиштиришни кўпайтиришга алоҳида ўрин берилади. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида уқтириб ўтилганидек, дон етиштириш суръатларини жадал ва муттасил ошириш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий проблемасидир. Партия дон импорт қилишдан халос бўлиш, мамлакатнинг озиқ-овқат ва ем бўладиган донга ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлаш вазифасини қўйди. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ҳам бизни шу вазифани ҳал этишга ундайди.

Республика партия ташкилоти кейинги йилларда дон хўжалигини юксалтириш юзасидан бир қанча катта тадбирларни амалга оширди. Сўнгги уч беш йиллик мобайнида дон етиштириш уч баравар кўпайди. Колхоз ва совхозлар ҳар йили бир миллион тонна ва ундан ҳам ошириб дон топширмоқдалар.

Республика ғаллакорлари бу йилги қурғоқчилик лалмикор ерлардаги донли экинларни батамом нобуд қилганига қарамай, муайян муваффақиятларга эришдилар — уч миллион тоннага яқин ялпи дон ҳосили олинади.

Республикада маккажўхори етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўшимча чоралар кўрилди. Бу чоралар яхши самара берди. Ихтисослаштирилган маккажўхорикорлик совхозлари ташкил этилди, бошқа ҳамма хўжаликлардаги экинзорлар кенгайтирилди. Ваъда қилинган икки миллион тонна маккажўхори етиштирилди ва биз буни КПСС Марказий Комитетига маълум қилдик.

Республикада дон етиштириш бундан буён ҳам кўпаяберади. Ўзбекистон Компартияси XX съезди 1985 йилда ялпи дон ҳосилини беш миллион тоннага етказиш вазифасини ўртага қўйди. Бу — реал вазифадир, бу вазифани ҳал этиш учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Келгуси йилнинг ўзидаёқ биз дон етиштиришни 3,7—3,8 миллион тоннага етказишимиз керак. Реал имкониятларни ҳисобга олганда Қорақалпоғистон АССР 626 минг тонна, Андижон области 181 минг тонна, Бухоро области 220 минг тонна, Жиззах области 368 минг тонна, Қашқадарё области 501 минг тонна, Навоий области 120 минг тонна, Наманган области 190 минг тонна, Самарқанд области 304 минг тонна, Сурхондарё области 283 минг тонна, Сирдарё области 263 минг тонна, Тошкент области 325 минг тонна, Фарғона области 205 минг тонна, Хоразм области 241 минг тонна дон етиштириши мумкин бўлур эди.

Маккажўхори ва шоли етиштиришни янада кўпайтириш аввалгидек дон хўжалигини ривожлантиришнинг бош йўналишидир. Дон учун 1983 йилда биз 340 минг гектар ерга маккажўхори экишимиз лозим. Бу эса сал кам 2,5 миллион тонна дон етиштириш имконини беради.

Бу ишда республикамиздаги 70 тага яқин ихтисослаштирилган маккажўхорикорлик ва дон — чорвачилик совхози катта резервдир. Бу совхозларда ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар имкони борича тезроқ қурилиши, ерлар ўзлаштирилиши, бу хўжаликлар техника ва транспорт билан таъминланиши, шу тариқа 1983 йилда уларда дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш анчагина кўпайтирилиши керак.

Ҳар бир бригада гектар бошига 100 центнер дон ва 500 центнер кўк поя олиш учун курашиши лозим. Бунинг учун энг серҳосил ва тезпишар нав уруғликларни қўлланиш, агротехника тадбирларининг бутун комплексини аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиш ва ҳосил 90—95 кунда пишиб етилишини, унинг 10—15 кунда ўриб-йиғиб олинишини таъминлаш керак. Ишни шундай ташкил этиш керакки, июль ойидаёқ дон йиғиштириб олиниб, такрорий экинлар экиладиган бўлсин.

Биз шоли ҳосилини кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқдик. 1983 йилда камида 550 минг тонна шоли етиштирилиши лозим. Экинзорларни кенгайтиришгина эмас, шу билан бирга шоликор совхозларнинг моддий-техникавий базасини ҳам янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ғоят серунум техника воситалари, ўғит, гербицид ва бошқа моддий-техникавий ресурслар билан таъминлаш ҳам бу вазифани ҳал этиш йўлидир.

Деҳқончилик маданиятини муттасил ошириш, алмашлаб экишни жорий қилиш, уруғчиликни яхшилаш, шоли етиштириш агротехникасини такомиллаштириш, шу йўл билан эрта ва мўл ҳосил — республикада гектар бошига ўрта ҳисобда камида 60 центнер — ҳосил кўтариш, шолини сентябрдаёқ тўла-тўкис ўриб олиш керак.

Ҳар бир областда мана шундай ҳосилдорликка эришаётган, ишни омилкорлик билан олиб бораётган бирталай хўжаликлар бор. Хоразмдаги Ал Хоразмий номли, «Янгиобод», «Гулистон», «Боғот» совхозлари бу йил гектар бошига 66 центнер, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози 69, Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози 80 центнер шоли олдилар. Қорақалпоғистон АССРда ҳам серҳосил хўжаликлар кўп.

Суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш — дон етиштиришни кўпайтиришда муҳим резервдир. Биз қимматли суғориладиган ерларни шу экинларга ажратиб бериш орқали дон экинларининг бир ўзи экилган ерларда гектар бошига 40 центнер ва ундан ҳам кўпроқ, аралаштириб экилган ерларда 25—30 центнер дон ҳосили олишимиз керак. Шу мақсадда кузги экинлар майдонини кенгайтириш, деҳқончилик маданиятини ошириш, етарли миқдорда органик ва минерал ўғитлар ажратиб бериш лозим.

Лалмикор ерларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш керак. Ерларни қора шудгор қилиб қўйиб, сўнгра дон экиш — бунга эришиш йўлидир. Область ва район партия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари шудгор қилиб қўйиладиган ерларнинг ажратилиши учун, гектар бошига муттасил 15 центнер ва ундан кўпроқ дон олиш мақсадида ерни тайёрлаш ва ҳосилни парвариш қилиш сифати учун хўжаликларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни оширишлари зарур.

Дон, айниқса маккажўхори етиштириш кескин кўпайиши муносабати билан кўпгина хўжаликларда дон қуритиладиган ва асраладиган омборхоналарни кенгайтириш эҳтиёжи вужудга келди. Биз чорвачилик объектлари қурилишида ишлатиладиган темир-бетон арка конструкциялардан фойдаланиб мана шундай омборхоналарнинг жадал қурилишини ташкил қилишимиз лозим. Бу бинолар дондан бўшагандан кейин ипак қурти боқиш учун муваффақиятли фойдаланилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва унинг лойиҳа институтлари бу масала хусусида пухта ўйлашлари ва тегишли таклифларни тайёрлашлари керак.

Ўртоқлар! Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумида таъкидлаб ўтганимиздек, Озиқ-овқат программаси аҳолини мева-сабзавот билан таъминлашни яхшилаш учун республика зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бу маҳсулотни етиштириш тез кўпаймоқда. Бу эса тармоқни ихтисослаштириш ва марказлаштириш юзасидан республикада кўрилган тадбирлар натижасидир. Кейинги беш йилнинг ўзида мева-сабзавот хўжалиги министрлиги системасида 158та янги ихтисослаштирилган совхоз тузилди, ҳозир системадаги шундай совхозлар 278тага етди.

Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги янги совхозларни ташкилий ва хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларда ишлаб чиқариш объектларини, социал-маданий маиший объектларни қуриш юзасидан янада қатъий чоралар кўриши керак.

Картошка етиштиришни кўпайтириш масаласи алоҳида эътиборни талаб қилади. Шу беш йилликнинг охирига борибоқ, биз картошка ялпи ҳосилини бир миллион тоннага етказишимиз ва ўз эҳтиёжларимизни тўла-тўкис таъминлашга эришишимиз зарур. Биз ҳар гектар ерда 150—200 центнер картошка етиштиришимиз мумкин ва лозим. 1983 йилда камида 500 минг тонна картошка етиштиришни таъминлаш керак.

Кейинги йилларда узумчиликда муайян муваффақиятларга эришилди. Шу билан бирга кўпгина хўжаликларда ҳали токлар дуруст парвариш қилинмаяпти, бу эса ҳосилнинг кам бўлишига олиб бормоқда. Майиз ва мева қоқиси тайёрлашга ҳали ҳам яхши эътибор берилмаяпти.

Мева — сабзавот хўжалиги министрлиги, шунингдек қишлоқ хўжалик министрлиги мавжуд камчиликларни тугатиш, хўраки ва майизбоп узум навлари токзорларини кенгайтириш, майиз ва мева қоқиси тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш юзасидан таъсирчан чоралар амалга оширилиши зарур.

Партия, совет органлари, министрликлар сабзавот — мева омборхоналари, мева — сабзавот хўжалигининг бошқа объектлари қурилишига кўпроқ эътибор беришлари, мева-сабзавот маҳсулотининг сақланиши ва қайта ишланиши масалалари билан янада актив шуғулланишлари, савдонинг илғор формаларини жорий этишлари керак.

Мева — сабзавот хўжалиги министрлиги, Ўзбекбирлашув савдо корхоналарининг колхоз ва совхозлар билан бевосита алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришлари, деҳқонларнинг фидокорона меҳнати билан етиштирилган маҳсулот даладан тўппа-тўғри магазинга тез, нес-нобуд қилинмай ва юқори сифатли қилиб етказилишига эришишлари керак.

Ўртоқ Ю. В. Андропов аграр саноат комплекси меҳнатчиларининг вазифалари тўғрисида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумида гапириб, бундай деб уқтирди: «аграр саноат комплексининг ходимлари кун сайин куч-ғайратни оширишлари, бу вазифани ҳал қилишга ажратилган катта маблағ бугуннинг ўзидаёқ самара берадиган ва эртага бундан ҳам каттароқ самара берадиган тарзда меҳнат қилишлари лозим».

Ўртоқлар! Озиқ-овқат программасини ҳал этиш чорвачиликни янада тез ривожлантириш вазифасини биринчи ўринга чиқариб қўяди. Кейинги йилларда бу тармоқ республикамизда муттасил ва барқарор ривожланмоқда.

Ўн ой мобайнида гўшт ва тухум етиштириш 9 процент, сут етиштириш 7 процент кўпайди. Чорва ва парранда ҳамма турларининг сони ортди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш йиллик планлари ва мажбуриятлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Бу йил биз гўшт етиштиришни 20 процент, сут етиштиришни 15 процент, тухум етиштиришни 20 процент кўпайтиришни белгиладик. Ўн ойнинг якунлари кўпгина область ва районларнинг чорвачилик маҳсулоти етиштиришни анча кўпайтиришга эришаётганликларини кўрсатиб турибди.

Бироқ, чорвачиликни интенсив ривожлантиришни таъминламаётган, уларнинг раҳбарлари эса аҳволни яхшилаш учун кескин чоралар кўрмаётган районлар ва хўжаликлар ҳам анчагина бор. Октябрь, Уйчи, Сариосиё, Боёвут, Коммунистик, Шуманай, Ўзбекистон ва бошқа баъзи районлар гўшт етиштиришни бултургига нисбатан камайтириб юборганликлари айни шу билан изоҳланади.

Область партия комитетлари бу районларнинг орқада қолиш сабабларини синчиклаб ўрганишлари ва қаттиқ тартиб ўрнатиш чораларини кўришлари лозим. Аввало боқиб семиртириш учун қўйилган чорва моллар вазнини кескин кўтариш, молларни 420—450 килограммга етказиб, сўнгра гўштга топшириш зарур. Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона областларининг хўжаликлари ҳозирнинг ўзидаёқ шу вазифани муваффақиятли уддаламоқдалар.

Аммо кўпгина колхоз ва совхозлар кам вазнли чорва молларни гўштга топширишни давом эттирмоқдалар. Чунончи, Тахтакўпир, Хўжайли, Бўзатов, Большевик, Ильич, Ховос районларининг хўжаликлари бу йил 300—330 килограмм вазнли қорамолларни топширдилар. Бу практика ем-хашакнинг, меҳнат ва маблағнинг ортиқча сарф бўлишига, кўп миқдордаги гўштнинг нобуд бўлишига олиб боради.

Ихтисослаштирилган гўшт чорвачилигини жадал суръатлар билан ривожлантириш, гўштбоп моллар боқиладиган йирик хўжаликлар тузилиши керак. Шу билан бирга чўчқачилик, қўйчилик ва паррандачилик ҳар томонлама ривожлантирилиши, уларнинг самарадорлиги оширилиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Живпром, Птицепром ва Каракульпромнинг гўшт етиштиришни кўпайтиришга доир тадбирларини маъқуллади. Живпром билан Каракульпром ўз сўзининг устидан чиқаётганини ўн ойлик якунлари кўрсатиб турибди. Птицепромга келганда эса, унинг кўпгина корхоналари маҳсулдорликни пасайтириб юбордилар ҳамда парранда гўшти ва тухум етиштириш ва топшириш планларини бажармаяптилар. Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан Птицепром белгиланган ҳажмдаги маҳсулот етиштирилишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўришлари керак.

Гўшт ресурсларини кўпайтириш учун йилқичилик, туячилик, қуёнчилик ва балиқчиликни ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериш зарур.

Сут етиштиришни кескин кўпайтириш керак. Сигирлар туёғини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бу соҳадаги бош йўлдир. Афсуски, кўпгина хўжаликларда ва районларда сигирларнинг маҳсулдорлигини кўпайтириш ўрнига, унинг пасайиб кетишига йўл қўйилди. Норин, Шеробод, Шўрчи, Меҳнатобод, Оқ олтин, Тўрткўл, Олтиариқ районлари ва бошқа баъзи районларнинг колхоз ва совхозларида сигирлар маҳсулдорлиги пасайиб кетди. Бундай аҳволни чорвачиликка етарли баҳо бермаслик, Озиқ-овқат программаси маъносини тушунмаслик билангина изоҳлаш мумкин.

Тошкент областидаги илғор хўжаликларнинг иш тажрибаси сермаҳсул сут чорвачилигини ривожлантиришда катта-катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Калинин, Коммунистик, Янгийўл районларининг хўжаликлари ўн ой мобайнида ҳар бош сигирдан 3600—3700 килограмм сут соғиб олди. Уларнинг тажрибасини республиканинг барча колхоз ва совхозларига ёйиш керак.

Биз колхозларда ва давлат хўжаликларида сигирлар туёғини ҳар йили 7—8 процент кўпайтириб, беш йиллик охиригача сигирларни 600 минг бошга етказишни таъминлашимиз зарур. Бу вазифани бемалол бажарса бўлади — ҳар йили биз камида 200 минг бош бузоқ олаяпмиз. Бизда молхоналар ҳам етарли.

Ҳар бир колхозда сигирларни камида 400—500 бошга, ҳар бир совхозда эса 800—1200 бошга етказиш жуда муҳимдир. Бундан ташқари биз 70 тага яқин дон — чорвачилик совхозлари ташкил этдик ва улардан ҳар биридаги сигирлар шу беш йилликнинг ўзида 600 бошга, келгуси беш йилликда 1000 бошга етказилиши керак. Беш йилликнинг кейинги йилларида биз яна бирталай фермалар ва сутчилик комплекслари қуришни мўлжаллаяпмиз.

Кейинги йилларда аҳолининг шахсий хўжаликларидаги сигирлар йил сайин кўпайиб бормоқда. 1985 йилнинг охирига бориб колхозчилар, ишчи ва хизматчилар қўлидаги сигирларни 1 миллион 100 минг бошга етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг маъноси шуки, ҳамма категориялардаги хўжаликларда 1986 йилнинг бошларида 1 миллион 700 минг бош сигирга эга бўлиш ва ялпи сут ҳосилини тўрт миллион тоннага ёки республикада яшовчи ҳар бир киши ҳисобига 210 килограммга етказилади. Бу — ҳозир истеъмол қилинаётган сут миқдоридан анча кўпдир.

Яхши, зотли сигирлар туёғини ошириш учун сигирлардан бузоқ олишни кескин яхшилаш, бундай сигирларни гўштга топширишни қатъиян камайтириш, молларнинг қисир қолишига йўл қўймаслик, сунъий қочириш пунктлари ишини йўлга қўйиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими чорвачиликда ва зотли моллар етиштириш марказида наслчилик иши олиб борадиган илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини самарали йўлга қўйишлари, наслчилик заводлари ва бошқа бўлинмаларни тезроқ бунёд этишлари керак.

Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари муҳим роль ўйнайди. Қишлокда яшовчи ҳар бир оилада сигир, бошқа моллар ва парранда бўлишига эришиш зарур. Колхозлар ва совхозлар бузоқ

(Давоми 3-бетда).

# Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладининг охири

(Боши 2-бетда).

ва паррандалар сотиб олишда, озуқа тайёрлашда, зооветеринария хизмати кўрсатишда уларга ёрдам беришлари керак.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшишга даъват этилгандирлар. Аммо улар ҳозирча оз маҳсулот етиштирмоқдалар. Биз бу масалалар билан янада активроқ шуғулланишимиз, ёрдамчи хўжаликлар сонини ва улар етиштирадиган маҳсулот ҳажмини кескин оширмоғимиз, илғор тажрибани кенг ёймоғимиз керак.

Бундай тажриба эса бор ва у ниҳоятда ибратлидир. Чунончи, Янгийўл шаҳридаги ёрдамчи хўжаликлар ҳозироқ ҳар бир ишловчи ҳисобига 29 килограммдан, Янгиер шаҳридаги ёрдамчи хўжаликлар эса 22 килограммдан гўшт етиштирдилар. Чирчиқ, Ангрен ва Каттақўрғондаги корхоналарда ҳам бу иш яхши ташкил этилган.

Шу билан бирга айрим министрликлар ва идоралар партиянинг бу муҳим масала хусусидаги қарорини бажаришга тегишлича масъулият билан қарамадилар. Бухоро, Навоий, Самарқанд, Термиз, Фарғона шаҳарларининг кўпгина корхоналари ва ташкилотлари ёрдамчи хўжаликларни ҳанузгача ташкил қилганлари йўқ, партия комитетлари эса бунга тоқат қилиб келмоқдалар.

Шунга эришишимиз керакки, келгуси йилдан бошлаб, ҳамма йирик корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари бўлсин.

Сурхондарё областидаги далачилик бригадаларининг молларни сўқимга боқиш соҳасидаги қимматли ташаббуси кенг қўллаб-қувватланди ва ёйилди. Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхозининг Ҳавохон Абдулаева бошлиқ пахтачилик бригадаси 14 бош қорамолни боқиб, давлатга 5400 килограмм гўшт сотди, ҳар бир қора молнинг тирик вазни 490 килограмм бўлди. Гагарин районидаги «Пограничник» совхозининг Эшмамат Бўриев, Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг Ҳасан Мухторов бошлиқ бригадалари беш тонна ва ундан ҳам ортиқ гўшт топширдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қишлоқ меҳнаткашларининг бу ватанпарварлик ташаббусини бундан буён ҳам авж олдириш, ҳар бир далачилик бригадаси мол боқиб, давлатга камида икки минг тонна гўшт топширишига эришиш лозим.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари чорвачиликни янада ривожлантириш учун озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлашга эришишлари зарур. Барча колхозлар ва совхозларда ихтисослашган бригадалар тузиб, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, айниқса оқсил ва бошқа компонентлар бўйича озуқа етиштириш, озуқа сифатини яхшилаш ва нобудгарчиликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳар бир фермада бузоқларга сунъий сут тайёрлаб бериш учун соя ва бошқа дуккакли экинлар етиштиришни кўпайтириш зарур. Алмашлаб экишни жорий қилиш асосида беда, дон учун ва силосбоп маккажўхори экиладиган илдиз мевали экинлар майдонини кенгайтириш, бу экинлар ҳосилдорлигини анчагина ошириш, яшил конвейернинг энг самарали системасини жорий қилиш лозим. Рапс, жавдар, третикале, перко ва бошқа оралиқ экинлар майдонини кенгайтириш ва шу тариқа қиш пайтида ҳам молларни кўк масса ва тўйимли озуқа билан таъминлашга эришиш даркор. Ҳар бир хўжаликда ҳар гектар озуқа экинларидан камида 10—12 тонна озуқа бирлиги олишга эришиш лозим.

Ҳар бир хўжаликнинг озуқа цехи бўлсин, озуқа фақат қайта ишланган бўлиши керак. Хлорелла суспензияси, сут ўрнида ишлатиладиган озуқа, озуқа ҳамиртуруши ферментлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш имкониятларидан кенг фойдаланилсин.

Чорвачиликни ҳар томонлама механизациялаш, бу тармоқда банд бўлган кишиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш зарур. «Госкомсельхозтехника» корхоналарининг кучи билан ферма ва комплексларга техника хизмати кўрсатишни кескин яхшилаш керак.

Ўртоқлар! КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетнинг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари белгилаб берган тадбирларни амалга ошириш бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада интенсивлашни тақозо этади.

Экин майдонларини кенгайтириш резервлари ниҳоятда чекланган бизнинг шароитимизда интенсивлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалик фани интенсивлаш масалаларида муҳим роль ўйнаши лозим.

Қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг технологиясини, механизацияни ривожлантиришни, пахтачилик ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқлари учун ишлатиладиган янада унумли техника яратишни ва шунга ўхшаш масалаларни чуқур ишлаб чиқиш фанлар академияси ҳамда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг, республикадаги барча илмий муассасаларнинг асосий вазифасидир.

Химиялаштиришни ривожлантиришга, минерал ўғитлар, гербицидлар ва химиянинг бошқа воситаларини қўлланиш самарадорлигини оширишга, ўсимликнинг ўсишига яхши таъсир кўрсатадиган стимулятор ва заҳарсиз дефолиантлар яратишга, биология методларидан кенг фойдаланишга катта эътибор берилиши зарур.

Қишлоқ хўжалигининг янада ривожлантирилиши озиқ-овқат программасининг бажарилиши ирригация ва мелиорация билан чамбарчас боғлиқдир. Бу йилги юз берган мислсиз сув тақчиллиги катта зарар етказди. Бу ҳол яна такрорланиши мумкин. Тўхтағул, Норак ва бошқа йирик сув омборларидаги узоқ йиллар мобайнида тўпланган сув запаси ишлатилиб бўлинганлиги аҳволни янада мушкуллаштиради.

Буларнинг ҳаммаси келгуси йил ҳосили тақдири учун бизда ҳақли ташвиш туғдирмоқда.

Сув тақчиллигига қарши кураш тадбирларини амалга оширишга, қурғоқчиликдан айниқса кўп зарар кўрган районларга амалий ёрдам кўрсатишга ҳозирданоқ киришиш лозим. Область, район партия комитетлари, жойлардаги Совет ва хўжалик органлари одамлар ва моддий техника ресурсларини каналларни бетонлаштиришга, экинларни суғориш учун қудуқлар қазиш ва уларни электрлаштиришга, сув ҳавзалари ва кичик сув омборлари қуришга сафарбар этишлари керак. Мавжуд насос станцияларини вегетация бошлангунга қадар тахт қилиб қўйиш ва сув омборларида об-ҳаёт тўплашни алоҳида назорат остига олиш даркор.

Ўртоқлар! Пленумимиз республиканинг 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳасини муҳокама этади. Республика ҳукумати тақдим этган лойиҳаларда ҳар бир область ва Қорақалпоғистон автоном республикаси бўйича экономика ва маданиятнинг барча тармоқлари соҳасида конкрет вазифалар белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги ҳақида юқорида айтиб ўтган эдим. Шунинг учун халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш соҳасида республика партия ташкилоти олдида турган баъзи асосий вазифаларга тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Ушбу йилнинг дастлабки якунлари халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқлари белгиланган планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаради деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Аммо эришилган ҳамма натижаларга партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь Пленумлари талаблари позициясидан туриб ёндошиладиган бўлса бизда ҳамма имконият ва резервлардан ҳали тўла фойдаланмаётганимизни тан олишимиз керак бўлади.

Саноатда камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар оз эмас. Саноат ишининг ўн ойлик якунлари бизни ташвишлантирмоқда. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръати беш процент қилиб белгиланган ҳолда атиги 3,6 процент бўлди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг атиги учдан бир қисмигагина меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан эришилди.

Андижон областида қийин аҳвол вужудга келди. Область саноати оқсаб қолди, сифат кўрсаткичлари пасайиб кетди, шу йилнинг ўн ойи ичида ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари плани 98,4 процент, меҳнат унумдорлиги эса 89 процент бўлди.

Шошилинч чоралар кўрилмаса, шу кўрсаткичлар бўйича ҳамда маҳсулотнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш бўйича беш йилликнинг икки йиллик плани барбод бўлиши мумкин. Сирдарё областида ҳам худди шунга ўхшаш аҳвол юз бермоқда.

Кўпгина тармоқлар ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланмаяптилар, машина-ускуналар етказиб бериш соҳасидаги мажбуриятларини бажармаяптилар, давлат ва план интизомини бузяптилар.

Қолоқликни бартараф этиш учун жамики хўжалик, ташкилий, сиёсий воситалардан фойдаланиш зарур. Аввало, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичи бўлган меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини ошириш лозим. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми бу масалага яна бир карра эътиборни жалб этди.

Яқин вақт ичида область, шаҳар, район партия комитетлари министрликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар бир қолоқ корхона, цех, участка фаолиятини муфассал таҳлил этишлари ва камчиликларни тугатиш юзасидан конкрет чоралар кўришлари, бу ишни қаттиқ назорат остига олишлари ва аҳволни тезда яхшилашлари зарур.

Саноат олдида турган проблемаларни ҳал этишнинг энг муҳим омили энергетикани янада ривожлантириш ва барқарор ишлашини таъминлашдир. Бу нарса саноатгагина эмас, бутун халқ хўжалигига тааллуқли ишдир. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми буни алоҳида таъкидлаб ўтди. Барча партия, совет ва хўжалик ташкилотлари иқтисод ва тежамкорлик масалалари билан мунтазам равишда ва конкрет шуғулланишлари, хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши кескин кураш олиб боришлари зарур.

Қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш республикамиз учун ғоят муҳимдир. Бу — пахтачиликни ривожлантириш асосларининг асосидир. Бунда энг муҳим муаммо — янада кучли трактор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобланади. Биз икки-уч йил ичида замонавий моторсозлик ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз, республиканинг 60 йиллик юбилейигача МТЗ тракторлари учун юз от кучига эга бўлган двигателлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз, 1985 йилда эса мамлакат пахтакорларига герметик кабинали юз от кучига эга бўлган тракторлар етказиб беришимиз ниҳоятда муҳимдир.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг ва тез жорий қилишнинг зарурлиги КПСС Марказий Комитетининг Пленумида уқдириб ўтилди. Шу йил сентябрь ойида бу масала юзасидан республика Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум илмий-тадқиқотларни янада ривожлантириш, янги техника ва меҳнатнинг янги методларини жорий этиш бўйича конкрет тадбирлар қабул қилди.

Эндиликда гап мана шу тадбирларни амалда рўёбга чиқаришда, фан билан ишлаб чиқаришни қўшиб олиб боришни рағбатлантиришнинг ҳамма воситаларидан фойдаланишда қолди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари ҳамиша барча партия ва совет органларининг диққат марказида туриши лозим. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан «Б» группаси корхоналаригина эмас, балки саноатнинг барча тармоқлари шуғулланишлари зарур. Бу товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтирибгина қолмай уларнинг сифатини ҳам ошириш даркор.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифаларини ҳал этишда кичик шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида саноат корхоналарининг филиалларини тузиш алоҳида роль ўйнайди.

Ҳозир бу жойларда 350 филиал ва цех ишлаб турибди. Улар 465 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Беш йиллик охирига бориб республикада яна икки миллиард сўмлик товар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган 400 филиал қурилиши керак. Улар ишлаб чиқаришга 110 минг кишини жалб қилиш имконини беради.

Партия комитетлари, министрликлар, идоралар, бирлашмаларнинг раҳбарлари филиаллар тузишга жиддий эътибор беришлари керак. Бу вазифа катта иқтисодий ва социал аҳамиятга молик эканлигини яна бир карра таъкидлаб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. Бу вазифани ҳал этиш билан қишлоқни янада индустрлаштириш, шаҳар билан қишлоқни бир-бирига яқинлаштириш вазифаси ҳал этилади. Бу вазифани ҳал этиш билан аҳолининг тобора янги-янги қатламларини ишчилар синфи сафига жалб этиш, меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш вазифаси ҳал этилади.

Филиалларни ташкил этиш ҳамма жойда ҳам яхши йўлга қўйилмаганлиги учун ҳам биз бу ҳақда яна сўз юритмоқдамиз. Кўпинча филиаллар жуда майда, улар эски машина ускуналар билан жиҳозланган, кадрлар ўртасида қўнимсизлик катта.

Республика Министрлар Совети кичик шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида саноат корхоналарининг филиалларини янада ривожлантириш масаласини ўрганиб, ўз таклифларини киритиши керак.

Қурувчилар олдида катта вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми таъкидлаганидек, бу вазифаларнинг энг муҳими — тугалланмаган қурилишлар ҳажмини янада қисқартириш ҳамда асосий фондларни ишга тушириш суръатларини жадаллаштиришдан иборат.

Республиканинг партия, совет органлари, қурилиш ташкилотлари, барча министрликлари ва идоралари аввало ишга тушириладиган объектларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлашлари, меҳнат, материал ва молиявий ресурсларни мана шу объектларга энг кўп даражада жамлашлари, хом ашё, материаллар, лойиҳа — смета ҳужжатлари, машина-ускуналарни ўз вақтида етказиб беришни йўлга қўйишлари зарур. Қурилишда меҳнатни ташкил қилишнинг илғор формаларини, аввало, бригада пудратини кенг жорий қилиш лозим.

Бу йилги ва келгуси йиллар планларини муваффақиятли бажаришда транспорт, айниқса темир йўл транспорти катта, айтишим мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Маҳсулот истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилиши транспортнинг пухта ва оператив ишлашига боғлиқдир.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси республика халқ хўжалигининг хом ашё, материаллар, машина-механизмлар, қишлоқ хўжалик маҳсулоти, ёнилғи ва ўғитни ташишга, ўз вақтида етказиб беришга бўлган эҳтиёжини таъминлаш юзасидан шошилинч ва самарали тадбирлар кўриши керак.

Ўртоқлар! КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1982 йилги май ва ноябрь Пленумлари қўйган вазифаларни ҳал этиш ташкилотчилик, сиёсий ва идеология ишларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ихтиёримиздаги барча мавжуд воситаларни сафарбар этиб, КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларини, СССР Олий Совети еттинчи сессияси ҳужжатларини кенг пропаганда қилишни авж олдириб юборишимиз зарур.

Партия ташкилотлари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида қўйилган вазифаларни чуқур тушунтириб беришлари, бу вазифаларни ҳар бир корхона, ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир меҳнатчининг амалий ишлари билан ва вазифалари билан, 1983 йил план топшириқлари билан чамбарчас боғлаб олиб боришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қўйган вазифаларни тармоқ бўйичагина эмас, балки ҳар бир завод, цех, участка, иш жойи бўйича кўриб чиқилишига эришиш муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари — жанговар программа, ҳаракат учун қўлланмадир. КПСС Марказий Комитети Пленуми якунлари область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида, партия активларида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама этилиши керак. Бу муҳокамалар ишчанлик билан, ижодий руҳда ўтиши, Озиқ-овқат программаси қандай бажарилаётганлигига алоҳида эътибор бериш жуда муҳимдир.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилашни талаб этади.

Партия, совет, хўжалик ходимлари вазифаларни шаблон тарзда эмас, ижодкорлик билан ҳал этаётган, ишнинг аҳволини чуқур таҳлил этиб, тўғри қарорлар қабул қилаётган жойларда қийин шароитларда ҳам юксак пировард натижаларга эришиш мумкин эканлигини шу қийин келган йил яна бир бор кўрсатди.

Республикада колхозларни, совхозларни, қишлоқ хўжалик органларини, аграр-саноат комплексининг барча бўғинларини кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида кўп иш қилинди.

Шу билан бирга оғир йил баъзи раҳбарларимизнинг мураккаб шароитларда планларни бажариш йўлларини топа билмаганликларини кўрсатди. Партия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари бу раҳбарларга ёрдам беришлари, уларга нисбатан талабчанликни оширишлари зарур.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми шуни таъкидладики, барча планларни муваффақиятли бажариш учун ҳал қилувчи участкаларда ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, янгиликни ҳис этадиган сиёсий етук, омилкор кишилар туриши керак. Хуллас, бизнинг давримизда ҳозирги замон ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш учун зарур фазилатларга эга бўлган кишилар бўлиши керак.

Бутун ташкилотчилик ва сиёсий иш омманинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишга, уларни шу йилги, умуман беш йиллик планни ва социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришга сафарбар этишга қаратилиши лозим. Социалистик мусобақани бундан буён ҳам авж олдириш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш керак.

Булар — бугунги кунда партия комитетлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Улар ҳар бир меҳнатчи планнинг бажарилиши ўзининг қўшаётган меҳнат ҳиссасига ҳам боғлиқ эканлигини англаб олишига эришишлари лозим.

Ўртоқлар! Биз шонли воқеа — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг олтмиш йиллигига яқинлашиб бораяпмиз. Бу сана катта социал-сиёсий мазмунга, алоҳида маънога эгадир. Бу сана буюк кўпмиллатли Ватанимиз босиб ўтган тарихий йўлни ифодалайди, жамиятимизнинг мустаҳкам маънавий, сиёсий бирлигини, халқлар дўстлиги ленинча ғояларининг тантанасини намойиш қилмоқда.

Коммунистик партия раҳбарлигида юксак чўққилар эгалланди. Олдинда янги марралар турибди. Бу марралар КПСС Марказий Комитетининг 1982 йилги май ва ноябрь Пленумлари қарорларида белгилаб берилган.

Олдимизда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида 1983 йил учун олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш вазифаси турибди. Олдимизда бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш, бутун ишимиз самарадорлиги ва сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш вазифаси турибди. Олдимизда саноатда, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида, махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, капитал қурилишини янада ривожлантириш, экономика ва маданиятни юксалтириш, халқнинг моддий фаровонлигини ошириш вазифаси турибди.

Коммунистлар, республиканинг барча меҳнаткашлари СССРнинг шонли олтмиш йиллигини кутиб олар эканлар, ўзларининг бутун кучлари ва билимларини, ғайрат-шижоатлари ва маҳоратларини бу йилни муваффақиятли якунлашга бағишлайдилар, 1983 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини сўзсиз тўла ва ошириб бажаришни таъминлайдилар, деб ленинчи Марказий Комитетни, унинг Сиёсий бюросини ишонтиришга ижозат бергайсиз. **(Ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклади зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди).**

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

26 ноябрь куни КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари раислари ўринбосарларининг, министрларнинг ҳамда марказий министрликлар ва идоралар бошқа масъул ходимларининг кенгаши бўлди.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми талаблари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов Пленумда баён этган қоидалар ва хулосалар асосида Озиқ-овқат программасини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларига мувофиқ иқтисодий механизмни такомиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалигини ва агросаноат комплексининг бошқа барча тармоқларини бошқаришни яхшилаш масалаларини муҳокама қилишга катта эътибор берилди.

1983 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини ошириш ҳамда паст рентабелли ва зарар кўраётган хўжаликлар учун харид нарҳларига қўшимча ҳақ жорий этиш билан боғлиқ амалий вазифалар белгиланди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча бўғинларида чинакам хўжалик ҳисобини ҳамма жойда жорий этишга, маҳсулотларнинг таннархини арзонлаштиришга, қатъий тежамкорлик режимига риоя этилишига, нобудгарчиликларга ва хўжасизликка қарши курашга, колхозлар билан совхозлар қўшимча равишда оладиган маблағлар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш билан боғлиқ тадбирларни бажаришга сарфланишига алоҳида эътибор жалб этилди.

Районлар, областлар, ўлкалар ва автоном республикаларда агросаноат бирлашмаларини тузиш борасидаги конкрет тадбирларни кўриб чиқиш чоғида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, янги бошқарув органлари агросаноат бирлашмасига кирган колхозлар, совхозлар, бошқа барча корхоналар ва ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлашлари, ишдаги тарқоқликка амалда барҳам беришлари лозим. Бунда район бўғинини мустаҳкамлаш, бошқарув структурасини соддалаштириш, бошқарув аппаратини ва унга кетадиган харажатларни қисқартириш, бошқарувни анча малакали ва самарали қилиш, кадрларнинг ташаббускорлигини ва социалистик омилкорликни ривожлантириш жуда муҳимдир. Ердан, техникадан, моддий ва меҳнат ресурсларидан, ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан яхшироқ фойдаланишга эришилсин.

Фан ва техника ютуқларини, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор формаларини практикага жорий этиш жадаллаштирилсин, барча лавозимлардаги ходимларнинг интизоми ва масъулияти кучайтирилсин.

Кенгаш қатнашчиларининг нутқларида қишлоқда энг аввало чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш, кўкламги экиш ишларига ўз вақтида тайёргарлик кўриш, 1983 йилда дон, гўшт, сут ва бошқа барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва харид этиш планларини сўзсиз бажариш билан боғлиқ навбатдаги хўжалик-сиёсий вазифаларни муваффақиятли адо этишга муҳим ўрин ажратилди.

Кенгаш ишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев, ВЦСПС Раиси С. А. Шалаев, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Халқ контроли комитети бўлимларининг мудирлари ҳамда бошқа масъул ходимлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

# ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1982 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИ ВА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

**КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг нутқи, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг ҳужжатларини партиямиз, бутун совет халқи ғоят қизиқиш ва якдиллик билан маъқуллаб кутиб олди, бу ҳужжатлар халқаро миқёсда жуда катта қизиқиш уйғотди. Партия ташкилотлари бу ҳужжатларни кенг пропаганда қилиш, тушунтириш ва ўрганиш ишларини ҳамма жойда авж олдириб юбордилар, 1983 йилги план топшириқларини ҳар бир корхона, ҳар бир меҳнат коллективининг вазифаларига татбиқан конкретлаштириш борасида зарур куч-ғайрат сарфламоқдалар. Партия ўқиши ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистларига ёрдам тариқасида икки машғулотнинг тахминий плани эълон қилинмоқда.**

### 1. ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ КОНКРЕТ, ЖАНГОВАР ПРОГРАММАСИ

**КПСС ички ва ташқи сиёсатининг давомийлиги ва изчиллиги.** Партия КПСС-нинг XXIII-XXVI съездлари қарорларида ифодаланган ва Л. И. Брежнев даврида амалга оширилган ленинча йўлдан қатъий ва оғишмай бормоқда. Партия ва давлат ҳаётида мустаҳкам қарор топган ленинча нормалар ва принципларга содоқат. **Партия билан халқнинг бузилмас бирлиги.**

**Мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг янги марралари.** Совет кишиларининг ҳамма куч ва ғайратларини беш йиллик планни, навбатдаги хўжалик-сиёсий вазифаларни бажаришга, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашни кучайтиришга сафарбар этайлик. Меҳнат унумдорлигини ошириш, совет халқининг фаровонлиги учун мумкин қадар кўпроқ ишлар қилиш — ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз.

**Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш,** фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга кенгроқ ва тезроқ жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватлари, моддий ресурслар ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш — халқ хўжалигининг энг муҳим резервларидир.

Умумдавлат, умумхалқ манфаатларига риоя этилиши учун, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши учун масъулиятни оширайлик, идорачилик ва маҳаллийчиликка қатъий барҳам берайлик.

**Озиқ-овқат программасини амалга ошириш — умумхалқ ишидир.** Қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли туғаллайлик, йиғиштириб олинган ҳосилни асрайлик, чорва қишловини намунали ўтказайлик. Аграр-саноат комплекси моддий-техника базасини мустаҳкамлайлик ва ундан самарали фойдаланайлик. Озиқ-овқат программасини бажаришга ажратилган катта-катта маблағлар бугуноқ реал самара берадиган, эртага ундан кўпроқ самара берадиган даражада ишлайлик.

**Совет кишиси тўғрисида, унинг меҳнат ва маиший шароитлари ҳақида, унинг маънавий камол топиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш партиянинг энг муҳим программавий йўл йўриғидир.** Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги масъулиятли вазифалар.

**Саноатнинг база тармоқларини ривожлантиришнинг муҳим проблемалари.**

Ёқилғи-энергетика комплексини бундан буён ҳам ривожлантирайлик. Нефть ва газ қазиб чиқаришни кўпайтирайлик. Металлургия, кўмир саноати, темир йўл транспортидаги қолоқликни бартараф этайлик. Капитал қурилишга мумкин қадар кўпроқ эътибор берайлик. Иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун умумхалқ ҳаракатида актив қатнашиш — СССР ҳар бир гражданининг бурчидир.

Биз ўзимизнинг хўжалик сиёсатимиз билан жаҳон революцион жараёнига асосий таъсир кўрсатяпмиз. Коммунистларнинг ўрни — кураш ва меҳнатнинг олдинги маррасидадир. Олдимизда турган вазифалар улкан, мураккаб. Лекин партиямиз, совет халқи уларни уддалай олади.

**Халқ фаровонлигини юксалтириш ва Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосий вазифасидир,** ташқи сиёсий йўлимизнинг принципиаллиги, изчиллиги ва пухталиги.

Мустаҳкам тинчликни таъминлаш, халқларнинг мустақиллик ва социал тараққиёт ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — совет ташқи сиёсатининг ўзгармас муддаоларидир. Мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти тегишли даражада турибди, биз чегараларимизнинг дахлсизлигини, дўстларимизнинг манфаатларини ҳимоя этишга тайёрмиз. Социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш — КПССнинг энг биринчи вазифасидир. Кучимиз — бирликда.

СССРнинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлган давлатлар билан, ўз мустақиллигини ҳимоя этаётган халқлар билан бирдамлиги. СССРнинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан тинч ҳамкорлигининг ривожланиши. Кескинликни юмшатиш сиёсатининг келажаги порлоқ. Ҳамма тинчликни сақлаш ва кескинлик юмшатилишидан манфаатдордир. Совет Иттифоқи дунёнинг ҳамкорлик қилишга тайёр ҳар қандай давлати билан ҳалол, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Халқ оммасининг актив ва собитқадам ҳаракатлари билан ядро уруши хавфини йўқотиш, тинчликни сақлаб қолиш мумкин. Қурол-яроғларсиз дунё — социализм идеали.

### II. КОММУНИСТИК БУНЁДКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК ПЛАНИ

**Совет экономикасининг илдам тараққиёти — социалистик тузум туб афзалликларининг далилидир.** Тармоқда, республикада, область, район, меҳнат коллективида ўн биринчи беш йиллиқ топшириқлари, юбилей йили план ва социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги. Партия социал программасининг изчил амалга оширилиши.

**1983 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш**нинг саноат, энергетика ва аграр-саноат комплекслари, транспорт ва алоқа, капитал қурилиш, фан, техника ва маданият соҳасидаги **асосий вазифалари.** Социал тараққиёт ва халқ фаровонлигининг ошиши. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги тез ривожланишини, капитал маблағлар самарадорлиги оширилишини, ҳар бир совет республикасининг экономикаси янада юксалтирилишини таъминлайлик. Озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини бажаришга биринчи даражали эътибор берайлик. Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшаётган ҳиссамиз. Экономикага раҳбарлик қилишнинг ҳамма соҳалари — бошқариш, планлаштириш, хўжалик механизмини такомиллаштириш ишларини жадаллаштирайлик. Ҳар бир меҳнаткашнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, хўжалик юритиш услуб ва методларини такомиллаштиришда қатнашувини ҳамма чоралар билан кенгайтирайлик.

**Меҳнат коллективларининг шу йилги топшириқларни муваффақиятли туғаллаш, 1983 йилги муқобил планлар ва социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш борасидаги вазифалари.** Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида давлат, меҳнат интизомини ва ижрочилик интизомини ҳамма чоралар билан мустаҳкамлайлик. Ишда уюшқоқлик ва ишчанликни оширайлик. Илғор тажрибанинг жорий этилиши, халқ мулкига чинакам омилкорлик билан муносабатда бўлиш, хўжасизлик ва талон-торожликка қарши кураш — ҳар бир совет кишисининг ишидир. Иқтисодий тараққиётнинг интенсив омилларидан тўлароқ фойдаланайлик. Ғаллани, барча турдаги ресурсларни ғоятда тежайлик. Маҳсулот сифатини оширайлик, оз чиқим билан юксак пировард натижаларга эришайлик. Меҳнат — Ватанимиз улуғворлиги ва қудратининг негизидир. Қанчалик яхшироқ ишласак, шунчалик яхши яшаймиз.

ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини зарбдор иш билан кутиб оламиз Беш йилликнинг ўзаги бўлган 1983 йилни хўжалик ва маданий қурилишда, коммунизм ва тинчлик учун курашда янгидан янги зафарлар билан нишонлаймиз.

x x x

Партия қўйган вазифаларни коммунистлар, барча тингловчилар ўзларининг жонажон ишлари деб билмоқлари, уларни бажариш йўлида онгли ва актив курашишлари учун партия комитетлари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари, иқтисодий таълим кенгашлари машғулотлар юксак даражада бўлишини таъминлашда, уларни меҳнат коллективларининг ҳаёти, конкрет вазифалари билан узвий боғлашда пропагандистларга ёрдам беришлари керак. Пропагандистларни зарур статистик маълумотлар, методик қўлланмалар билан таъминламоқ зарур.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

